

# Единый портал корпоративной информации

## Проспекты эмиссий

АТВ "Universal bank"

Государственная регистрация выпуска ценных бумаг для банков

<b>1</b>	<b>НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА:</b>	
	Полное:	Aksiyadorlik-tijorat banki "Universal bank"
	Сокращенное:	АТВ "Universal bank"
	Наименование биржевого тикера:	UNVB
<b>2</b>	<b>КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ</b>	
	Местонахождение:	Ферганская область, г. Коканд, ул.Шохрухобод
	Почтовый адрес:	150700, Ферганская область, г. Коканд, ул.Шохрухобод
	Адрес электронной почты:	info@universalbank.uz (mailto:info@universalbank.uz)
Официальный веб-сайт:	www.universalbank.uz (http://www.universalbank.uz)	

<b>3</b>	<b>Дополнительная информация организации</b>	
	уполномоченный государственный регистрирующий орган выпуска ценных бумаг	Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
	регистрационный номер	P0482-14
	дата государственной регистрации выпуска ценных бумаг	28.02.2020 йил
основные направления деятельности и виды производимой продукции (услуг)	Банк фаолияти	

<p>наличие у эмитента независимой рейтинговой оценки. Привести его короткое описание</p>	<p>АТБ “Универсал банк”га 2019 йилнинг 3 чорак якуни бўйича ноябрь ойида “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг миллий шкала бўйича “Барқарор” прогнози билан “uzB+” даражадаги рейтинг баҳоси берилган. АТБ “Универсал банк”га 2019 йил якуни бўйича “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг “Барқарор” прогнози билан “B-” даражадаги рейтинг баҳоси берилган. 2018 йил 14 июлдаги 68-сонли Банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия.</p>
--	---

<p><b>4</b></p>	<p><b>Условия выпуска и размещения ценных бумаг в соответствии с решением о выпуске ценных бумаг</b></p>	
	<p>тип акций выпуска</p>	<p>Эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз</p>
	<p>количество акций выпуска</p>	<p>10 000 000 (ўн миллион) дона</p>
	<p>номинальная стоимость акции выпуска, сум</p>	<p>5 000 (беш минг) сўм</p>
	<p>общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум</p>	<p>50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм</p>

права, предоставляемые каждой акцией выпуска

-оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунга ва банк уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши; - банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш; - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш; - банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш; - банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш; - акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш; - банк уставига мувофиқ банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш; - олган дивидендини эркин тасарруф этиш; - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш; - қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга. - акциядорлар қонунчиликда ва банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга. Акциядорлар қонунчиликда ва банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

<p>способ размещения акции, а также в случае закрытой подписки указывается круг лиц, среди которых осуществляется размещение</p>	<p>Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этиш билан очиқ обуна орқали жойлаштирилади.</p>
<p>дата начала размещения акций</p>	<p>Акциялар қўшимча чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.</p>
<p>дата окончания размещения акций</p>	<p>Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.</p>

<p>порядок размещения акции</p>	<p>Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда Банк Уставининг 9.16. – бандига асосан банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилиши мумкин. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очиқ обуна орқали чекланмаган инвесторлар орасида «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида жойлаштирилади. «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.</p>
<p>цена (цены) или порядок определения цены размещения акций данного выпуска</p>	<p>Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган акциялар бозор нархида лекин номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода жойлаштирилади.</p>

условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 36 – моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклида – талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари АТБ “Универсал банк” Амалиёт бошқармасидаги қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 29896000600000973023, МФО 00973, СТИР 203 556 638, Банк жойлашган манзил: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрухобод кўчаси. Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августдаги 773-17-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномага (Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январдаги 1885-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали – Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади. “Тошкент” Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни

орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата его принятия

Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” Кенгашининг 2020 йил “28” январдаги 10-сонли мажлиси қарори.

любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе банка, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги: беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни; йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни; эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Юқорида белгиланган банк устав капиталидаги улушлар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олган шахслар томонидан ўзгартирилган тақдирда, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган тартибда хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади. Банклар бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банклар бошқа банкнинг устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас. Устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.



налогообложение получаемого инвестором дохода по приобретенным акциям	Инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.
цель выпуска акций	Банк устав капиталини ошириш.
условия предстоящего выпуска облигаций в обращение	Ушбу чиқарилишда облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.
в случае оплаты ценных бумаг не денежными средствами указать перечень имущества, которыми могут оплачиваться ценные бумаги	Банк акциялари учун тўлов сифатида фақат пул маблағлари қабул қилинади.
доля ценных бумаг выпуска, при не размещении которой выпуск считается несостоявшимся (такая доля не может быть определена в размере меньше, чем 60 процентов от общего количества ценных бумаг выпуска)	Мазкур чиқарилишда қайд этилган акциялар ҳажмининг 30 фоизидан кам бўлган улуши жойлаштирилган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинади.
порядок возврата средств, полученных эмитентом в качестве оплаты за ценные бумаги, на случай признания выпуска ценных бумаг несостоявшимся	Ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади: АТБ «Универсал банк» томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга олмаган деб топиш муҳим факти – 28) АТБ «Универсал банк» расмий веб-сайтида ( <a href="http://www.universalbank.uz">www.universalbank.uz</a> ), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий веб-сайтида ( <a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a> ), ва Корпоратив ахборот ягона порталида ( <a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a> ) ошкор этилади. Акциялар чиқарилуви амалга олмаган деб топилган санадан сўнг 10 (ўн) кун ичида акциялар учун тўланган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда инвесторларга қайтарилди. Мазкур чиқарилишда қайд этилган акциялар ҳажмининг 30 фоизидан кам бўлган улуши жойлаштирилган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинади.

<p>порядок хранения и учета прав на ценные бумаги, в том числе, полное фирменное наименование, а также данные о лицензии на осуществление соответствующей деятельности</p>	<p>Банк акцияларини сақлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Банк акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси Давлат корхонасида вакиллик ҳисобварағини очган инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади. Реестрларни шакллантириш Марказий рўйхатга олувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.</p>
<p>приводятся основные данные, касающиеся порядка учета и перехода прав собственности на ценные бумаги</p>	<p>Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади. Акцияга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.</p>
<p>данные об организациях, принимающих участие в размещении ценных бумаг (андеррайтерах)</p>	<p>Акциялар банк томонидан мустақил жойлаштирилади, андеррайтерлар жалб қилинмайди.</p>

<p>информация о порядке и месте ознакомления с копиями и оригинальным экземпляром решения о выпуске ценных бумаг и проспектом эмиссии ценных бумаг. Информация о печатных изданиях, где будут размещены усл</p>	<p>Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва мазкур чиқарилишга доир эмиссия рисоласининг асл нусхаси билан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”да, нусхалари билан банкнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси кўчаси 53 уйда жойлашган Тошкент филиалида, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Мустақиллик кўчаси 24 уйда жойлашган Зангиота филиалида ва Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний шоҳкўчаси 69 уйда жойлашган Фарғона филиалида, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Ҳилол кўчаси 22 уйда жойлашган Бувайда филиалида танишиш мумкин. Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва ҳеч қандай дастлабки шартларсиз ва аризасиз эмиссия рисоласини таништириш учун инвесторларга тақдим этилади. Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот корпоратив маълумотлар ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) ва банкнинг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.universalbank.uz">www.universalbank.uz</a>) эълон қилинади.</p>
<p>основные места продажи ценных бумаг</p>	<p>“Тошкент” Республика фонд биржаси. Манзил - 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси 107 уй.</p>
<p>информация об организаторе торгов, в листинг которого планируется включение данного выпуска ценных бумаг</p>	<p>Чиқарилаётган акциялари “Тошкент” Республика фонд биржаси савдо ташкилотчисининг листингига киритилади. “Тошкент” Республика фонд биржаси манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107 уй. “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайти: <a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>.</p>

Дата: 09.12.2023